

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz

www.adolatgzt.uz

www.adolat.uz

№ 51 (1115)

2016-yil, 5-dekabr, dushanba

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИНИНГ ЖОРИЙ ЯКУНЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган Президент сайловида овоз беришнинг жорий яқунларини эълон қилди.

4 декабрь куни Тошкент вақти билан соат 20 да Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов участкаларида овоз бериш яқунланди.

Дастлабки маълумотларга кўра, сайловда 17 миллион 941 мингдан зиёд сайловчи иштирок этди. Бу жами сайловчиларнинг 87,8 фоиздан ортигини ташкил этади.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида халқаро кузатувчилар, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказилган брифингда шу ҳақда маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуларда мустаҳкамланган халқаро демократик меъёр ҳамда тамойилларга риоя этилган ҳолда очик ва ошқора ўтгани таъкидланди.

Мамлакатимиз фуқаролари сайловда юксак сиёсий ва фуқаролик фаоллигини намойиш этди. Соат 11 га қадар сайловчиларнинг 33 фоиздан ортиги овоз беришда иштирок этгани бунинг яққол тасдиғидир.

Овозларни санаб чиқишда сайлов участкаларида сиёсий партиялардан 37 мингдан зиёд кузатувчи, халқаро кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Сайлов давомида жойлардан сайлов қонунчилиги бузилиши ҳақида хабар келиб тушмади.

5 декабрь куни бўлиб ўтadиган брифингда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижалари эълон қилинади. Шу куни халқаро кузатувчилар миссиялари ҳам матбуот анжуманлари ўтказилади.

Беҳзод БОЗОРОВ,
ЎзА мухбири



Сўз —
халқаро
кузатувчиларга

ОЧИҚ, ОШҚОРА,
ХОЛИС...

Сайлов жараёнининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси сифатида намоён бўлади. Хусусан, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш жараёнида ошқоралик, ҳаққонийлик таъминланишини мониторинг қилишда кузатув институти муҳим аҳамият касб этади. Шу боис сайловларни миллий ва халқаро (хорижий) кузатиш амалиёти бутун дунёда кенг қўлланилади.

Президент сайловида Марказий сайлов комиссияси томонидан аккредитация қилинган 5 та халқаро ташкилот — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари уюшмаси ва Ислоом ҳамкорлик ташкилотидан ҳамда 46 та давлатдан 600 нафарга яқин кузатувчилар иштирок этади.

Биз халқаро кузатувчилар ҳамда чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари Президент сайлови борасидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик:

Гао Юйшэн,
Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги махсус элчиси:



— Ўзбекистон барқарор сиёсий ва иқтисодий тараққиётга эришган, халқаро ҳамжамиятдаги обрў-эътибори муттасил ортиб бораётган мамлакат сифатида Хитой Халқ Республикасининг муҳим стратегик ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Биз мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва янада кенгайтиришдан манфаатдоримиз. Шу боис биз, Хитой давлат ва нодавлат ташкилот вакиллари, парламенти аъзолари, сиёсатчилари ва олимларидан иборат 20 нафар хитойлик делегатлар Ўзбекистоннинг муҳим иқтисодий-сиёсий табири — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида катта қизиқиш билдиридик. Делегатларимиз республиканинг турли ҳудудларида сайловга тайёргарлик ишлари, сайлов кампанияси доирасидаги тадбирлар, округ ва участка сайлов комиссияларининг фаолияти юзасидан батафсил маълумотга эга бўлишди. Шу билан бирга, сайлов куни сайлов жараёнини кузатдик. Таъкидлаш лозим, Ўзбекистонда сайловолди ташвиқот даврида сиёсий партиялар ва улардан кўрсатилган номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали сайловолди ташвиқоти учун тенг шартлар яратиб берилиши, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлари давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши сингари механизмлар эътиборимизни тортди. Шунингдек, сайлов куни сайловчиларга қулайлик яратиш мақсадида сайлов участкаларида “Она ва бола хоналари”, “Тиббиёт хона” ларининг ташкил этилганлиги диққатга сазовордир. Овоз бериш кунинда сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари устидан назорат этилиши ҳолатлари кузатилмаганини қайд этамиз.

Ўзбекистон Президентлигига номзод Наримон Умаров сайловда овоз берди

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров 4 декабрь куни Тошкент шаҳридаги 550-сайлов участкасида овоз берди.

Мамлакатимизда демократик тамойиллар асосида иқтисодий-иқтисодий муносабатларни қонунчилик йўли билан мувофиқлаштириш, аҳолининг турмуш сифати ва даражасини янада оширишга қаратилган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Қонун

устуворлиги ва иқтисодий адолатни таъминлаш, иқтисодий қўллаб-қувватлаш орқали соҳага инновациялар билан мувофиқлаштириш, кадрларни мақсадли тайёрлаш, илм-фанни ривожлантириш, фуқаролик жамияти институти ролини янада оши-

риш борасида олиб борилган ишлар дунё миқёсида эътироф этилмоқда.

Миллий қонунчилигимизда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканини акс этган. Фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга экани Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган. Зеро, сайловлар кучли фуқаролик жамиятига асосланган демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодаланиши, жамият ва давлатни бошқаришда фуқаролар иштирокининг асосий шаклидир. Юртимиз келажаги, унинг янада тараққий топиши сайловларнинг энг юксак демократик талаблар ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга мос, Бош қомусимизда мустаҳкамланган қондалар асосида ўтиши-

га, сайловчиларнинг фаоллиги ва улар қабул қиладиган қарорга боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови миллий қонунчилигимиз ва халқаро меъёрларга тўла мос ҳолда, ошқоралик, тенглик асосида ўтди. Унда сайловчилар ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиб, халқимиз фаровонлиги, фарзандлари келажаги учун овоз берди.

ЎзА

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Қорақалпоғистонда ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўтаринки руҳда, фуқароларнинг сиёсий фаоллигида ўтказилди.

“МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИНИ БЕЛГИЛАШДА

Ўз овозим билан қатнашдим”

Барча сайлов участкаларида овоз бериш учун яратилган шартлардан юртдошларимиз, айниқса, кексалар ва сайловда илк бор қатнашган ёшлар, оналар беҳад хурсанд бўлишди.

Нукус мелиорация ва сув хўжалиги касб-хунар коллежи биносида жойлашган 59-сонли сайлов участкасида 2915 фуқаро сайловчилар рўйхатида киритилган бўлиб, улардан 54 таси биринчи маротаба сайловда иштирок этаётган ёшлар ҳисобланади.

Тонги соат 6:00 дан бошланган сайлов, аввало, фуқароларнинг иқтисодий-сиёсий жараёнларга дахлдорлик ҳисси билан яшаётганини яққол кўрсатди. Қувонарлиси, сайловчилар ушбу кунга ўзларининг ҳаётидаги муҳим сиёсий сана сифатида қараётганлиги уларнинг юз-кўзларидан кўриниб турди.

— Ўз ҳаётим давомида кўп марта сайловларда иштирок этганман. Лекин мустақиллик йилларидаги сайловлар ҳаққонийлиги, очик ва ошқора ҳамда барча сайловчиларнинг баланд руҳда қатнашиши билан диққатга сазовор эканини таъкидламоқчиман, — дейди Нукус шаҳри 17-сонли “Бойтерак” маҳалласида истиқомат қилувчи, 74 ёшли онахон Умитхан Халмуратова. — Мамлакатимизда йилдан-йилга сайлов қонунчилигининг мустаҳкамланиши, сайловчиларга яратилаётган қулайликлар ҳар бир фуқарони бу муҳим сиёсий тадбирда фаол иштирок этишга ундади.

2 >



ҚАДИМИЙ ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Мамлакатимизга Қозоғистон Республикасининг турли соҳаларда фаолият олиб бораётган вакиллари билан иборат делегацияси ташриф буюрди.

Шу муносабат билан Тошкент вилоятининг “Ғиштқўприк” божхона постида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги Б.Ахмедов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Р.Қушербаев, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Ш.Турдиқулов ва бошқалар Ўзбекистон билан

Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари йилдан-йилга ривожланиб, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқалар юксалиб бораётганини таъкидлади. Азалдан яқин қўшни сифатида тинч-тотув, ахил-иннок яшаб келаётган ўзбек ва қозоқ халқларининг тарихи, тили, урф-одат, анъана ва қадриятлари ҳам ўхшаш.

Делегация аъзолари дастлаб пойтахтимизда Биринчи Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган Хазрати Имом жомеъ масжиди билан танишди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси халқаро алоқалар бўлими мудири М.Шокиров меҳмонларга маъмуанинг тарихи, мустақиллик йилларида бу ерда амалга оширилган кенг қўламли тиклаш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, мажмуада жойлашган тарихий обидалар ҳақида маълумот берди.

3 >

Дато Ражендран Рамачандран,
“RHA Sdn. Bhd.” наشريёт уйининг бош ижрочи директори (Малайзия):

— Ўзбекистонга илк марта ташриф буюрган бўлсам-да, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, самимий ва очикқўнчилиги менда гўёки бу давлатда анчадан буён фаолият юритаётгандек таассурот қолдирди. Сайловда Малайзиядан халқаро кузатувчи сифатида қатнашдим. Сайловдан олдин ва сайлов куни Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятидаги бир неча сайлов участкаларидаги жараёнларни кузатишга муваффақ бўлдим.

Шунингдек, нодавлат оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий шерикчилиги натижасида ташкил этилган “PressKlub” фаолияти билан яқиндан танишдим. Сайловолди ва сайлов билан боғлиқ ҳар бир тадбир очиклик, ошқоралик асосида оммавий ахборот воситаларида ёритилганининг гувоҳи бўлдим.

Эътиборлиси шундаки, бир томондан Ўзбекистондаги сайловолди тайёргарлик ва сайлов куниндаги жараёнларни халқаро кузатувчи сифатида кузатиш, иккинчи томондан эса Осиёнинг 20 га яқин давлатларида тарқатиладиган нашрнинг вакили сифатида Ўзбекистондаги муҳим иқтисодий-сиёсий жараёнлар ҳақидаги мақола ва янгиликларни тайёрлаш имкониятига эга бўлдим. Малайзияга қайтгач, мамлакатимиздаги Президент сайлови билан боғлиқ жараёнлардан ташқари иқтисодий-иқтисодий салоҳияти юксалиб бораётган Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида туркум мақоаларни тайёрлаш ниятидаман. Бундай мақоалар кўплаб муштарийларимизда қизиқиш уйғотишига ишончим қомил.

2 >

ҚАДИМИЙ ДЎСТЛИК RIШТАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Давом. Бошланғич 1-бетда

Шундан сўнг меҳмонлар халқимизнинг муқаддас ислом динига оид бой маънавий-маданий меросини асраб-авайлаш, диёримиздан етишиб чиққан буюк алломаларнинг асарларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, шу соҳада илмий-назарий тадқиқотлар олиб бориш, замон талаблари даражасида малакали мутахассислар тайёрлаш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, аждоқларимиздан қолган ноёб манбалар асосида тадқиқ этилган маълумотларни халқимизга етказишга хизмат қилаётган Тошкент ислом университетида бўлди.

Тошкент ислом университети тарих кафедраси мудири С.Аъзамжӯжаев университет фаолияти, шу атрофда жойлашган Юнусхон мажмуаси, Қалдирғоч бий ва унинг устози Шайхонтоҳур макбаралари тарихи тўғрисида гапириб берди.

Ўзбек ва қозоқ халқлари хамиша бир-бирига елкадош бўлган, суянган, — дейди Қозғистон делегацияси вакили, иқтисод фаълари доктори Б.Сериков. — Вақт синовидан ўтган ушбу дўстлик ришталари мустақиллик йилларида янада мустаҳкамланмоқда. Ўзбекистонга ташириш маънавияти тарихидаги муҳим аҳамиятга эга бўлган сиёсий тadbир — Президент сайлови

қунига тўғри келгани учун делегациямиз Тошкентдаги 307-, 514-, 687-сайлов участкаларида овоз бериш жараёнини кузатиш имкониятига эга бўлди. Шунга амин бўлдики, сайловга тайёрлик жараёни билан боғлиқ барча масалалар коллегиаллик асосида йўлга қўйилган. Сайлов участкалари жойлашган бинолар атрофини ободонлаштириш, сайловчилар рўйхатини шакллантириш ва бошқа ташкилий масалаларда маҳалла фуқаролар йиғинлари яқиндан қўмақлашгани бизда катта таассурот қолдирди. Хар бир сайлов участкасида имконияти чекланган фуқароларга ҳам барча қулайлик яратилган. Саломатлиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш куни участкага келолмайдиган сайловчилар учун кўчма қутидан фойдаланиш имконияти яратилгани тахсинга сазовор.

Делегация аъзолари XIV асрнинг 80-йилларида Амир Темури ташаббуси билан бунёд этилган, кейинчалик Мирзо Улуғбек томонидан қурилиши якунига етказилган Зағнота мажмуасини зиёрат қилди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари И.Иномов мажмуа тарихи, мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз раҳнамолигида бу ерда амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик-ободонлаштириш ишлари туфайли мажмуа бу-



Суратлар муаллифи О.ҒУЛОМОВ (ЎЗА)

тунлай янги қиёфа касб этгани, зиёратчилар учун яратилган замонавий шарт-шароитлар ҳақида сўзлаб берди. Меҳмонлар Зағнота туманида худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, одамларга муносиб турмуш шарт-шароити яратиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар билан таништирилди. Улар Ўзбекистонда замонавий таълим ва тиббиёт муассасалари, мухташам турар жойлар, спорт иншоотлари барпо этиш билан бирга, одамлар кўнгилли дам оладиган маданият ва аҳоли дам олиш марказлари қурилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганини кайд этди.

Делегация аъзолари тумандаги "Обод турмуш" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, худудда амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, жумладан, кишлоқ аҳоли учун намунавий лойиҳалар асосида қад ростлаган замонавий уй-жойлар билан танишди. Уч мингта яқин аҳоли истикомат қилаётган мазкур маҳаллада намунавий лойиҳалар асосида 180 уй-жой барпо этилган. Янги уйлар табиий газ, ичимлик суви билан таъминланган, алоҳида каналлаш кудуғи ҳамда иситиш тизимига эга. Қўчалар кенг, йўл четларига мевали ва манзарали дарахтлар экилган. Меҳмонлар маҳалладаги оталар чойхонаси — гузар, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, болалар спорт майдончалари ва стадион фаолиятига юксак баҳо берди. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика

бошқаруви раиси ўринбосари Д.Мирзажонов, "Обод турмуш" маҳалла фуқаролар йиғини раиси И.Юнусматов ва маҳалла фаоллари қозғистонлик меҳмонларнинг маҳалла институти фаолияти ҳақидаги саволларига атрофлича жавоб қайтарди. Мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз раҳнамолигида маҳалла институти фаолиятини тақомиллаштириш, унинг жамият ҳаётидаги иштироки, вазифа ва вазифаларини доирасини янада кенгайтириш борасида амалга оширилган изчил ислохотлар, маҳалла, маҳалла раиси ва унинг вазифалари ҳақидаги маълумотлар меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Ўзбек халқининг "Бир болага етти маҳалла отона", "Отан — маҳалла, онанг — маҳалла" деган гаплари мазмунини бугун янада теран англадим, — дейди Жанубий Қозғистон вилояти Қазғурт туманидаги ўзбек-қозоқ умумтаълим мактаби директори ўринбосари Б.Собитов. — Бу ерда одамлар яхши қилишда ҳам, ташвишли дилларида ҳам маҳалладошларига суянар экан. Бир оилада хурсандчилик бўлса, бутун маҳалла баҳам кўради. Бир кишининг ташвиши бутун маҳалланинг ташвишига айланади. Маҳалла оқсоқоли ёки кексаларга барча бирдай қулоқ солиши, бамаслаҳат иш тутиши, одамларнинг бир-бирига эътиборли бўлиши, ғамхўрлик кўрсатиши — бундай олийжаноб фазилатлар бошқа ҳеч қаерда учрамайди. Осойишталик ва тараккиятни таъминлайдиган бундай турмуш тарзи — маҳалла тушунчаси фақат

Ўзбек халқига хос юксак кадрят. Учрашувда Биринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" таъйинли асосида амалга оширилган изчил ислохотлар жараёнида маҳалла институтининг давлат ва жамият ҳаётидаги ролини оширишга қаратилган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Давлат бошқаруви органларининг қўлаб ҳуқуқ ва ваколатлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилгани, натижада худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, оилавий тadbиркорлик, қасаначилик, кичик бизнес ва хусусий фаолиятнинг қўлаб-қувватлаш, маънавий мухит барқарорлигига эришиш, хотин-қизлар ва ёшлар манфаатларини химоя қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш сингари ўнлаб вазифалар айнан мазкур институтида амалга оширилаётгани ҳаётий мисолларда кўрсатиб берилди. Айниқса, маҳалла психологияси ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиликнинг вазифалари, "маҳалла — таълим муассасаси — оила" ҳамкорлиги фаолияти меҳмонларда катта кизиқиш уйғотди. Бугунги глобализм даврида ёшларни ёт йиллардан турли иллатлардан асраш, навиқон авлодни ватан-

парварлик, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб усули — маҳалла институтининг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Мамлакатларимиз маданият ва санъат соҳасида фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон халқ усталари Олмаота шаҳрида ўтказилган Марказий Оснэ хунармандлари кўргазма-ярмаркасида мунтазам иштирок этади. Остона, Олмаота ва бошқа шаҳарларда бадий галерея ва музейларда машҳур ўзбек мусавирларининг кўргазмалари намойиш қилинади. Ўзбекистон мусика ва театр жамоаларининг Қозғистонга гастроллари мунтазам йўлга қўйилган. Қозғистонлик санъаткорлар Самарқандда ўтказилаётган "Шарқ тарафлари" халқаро мусика фестивали ва бошқа қўлаб йирик маданий тadbирларнинг фаол катнашчиларидир. Поиттахтимиздаги "Қамолот" ёшлар ижод саройида ташкил этилган миллатлараро дўстликни тарғиб этувчи расмлар кўргазмаси ва концерт дастурини бу алоҳида таъкидланди. Қозғистон Республикаси делегациясининг ташири самийий дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари ривожига яна бир муҳим воқеа бўлди.

Иқром АВВАЛОЕВ,
ЎЗА мухбири




КИЧИК БИЗНЕСНИНГ КАТТА ҚЎМАКЧИСИ

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги "Тadbиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама химоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида"ги Фармони тadbиркорлик ва кичик бизнес субъектлари учун фаолиятлари ривожига ва қонуний манфаатларини химоя қилишнинг қафолатига айланди.

Мазкур фармон, энг аввало, хусусий мулкни химоя қилишнинг янада кучайтиришга, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратишга ва ҳар томонлама қўлаб-қувватлашга, республиканинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга йўналтирилган бўлиб, ўз навбатида, ушбу соҳада давлат сиёсатининг сифат жиҳатидан янги босқичга қўтарилишидан далолат беради. Хусусан, фармон кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига аралашувларни тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмасликни энг муҳим устувор йўналиш ва давлат органларининг биринчи даражадаги вазифаси сифатида мустаҳкамлайди.

Мамлакатимиз банк тизимида олиб борилаётган ислохотларда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларини молиявий қўлаб-қувватлаш алоҳида ўрин эгаллайди. Жумладан, "Асака" банкнинг Жиззах вилоят филиали томонидан айнан ушбу соҳага йўналтирилган кредитлар мажмуи йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Банк филиали томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тadbиркорлик субъектларига 60,0 мил. лар сўмдан зиёд миқдорда кредитлар ажратилган бўлиб, бунинг натижасида қўлаб янги иш ўринлари ташкил



этидди. Банк филиалининг тажрибали мутахассислари тadbиркорларга, айниқса, таълим муассасалари битирувчиларига кредитларни расмийлаштиришда яқиндан маслаҳат ва тавсиялар бериб келмоқдалар. Бугунги кунда таълим кредитларига эҳтиёж вилоятда тобора ортиб бораётгани ёшларга оид давлат сиёсатининг худудий ва бошқа дастурлар асосида амалга оширилаётган дарак бермоқда. "Асака" банкнинг Жиззах вилоят филиали томонидан миқдорларга, шунингдек, хусусий тadbиркорлик субъектларига бир қатор қулайликлар яратилган бўлиб, банк биносидан "Тadbиркорлар хонаси" ташкил этилган ва тadbиркорлар ўз фаолиятларини йўлга қўйиши ҳамда ривожлантириши учун барча меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар билан бир қаторда, ахборот-коммуникация тизимларидан

фойдаланишлари учун замонавий компьютер технологиялари билан тўлиқ таъминланган. Бу ерга бириктирилган масъул ходим билан тadbиркорлар ўзларини қизиқтирган савол ва муаммоларни ечим юзасидан фикр алмашади. Қолаверса, банк ходимларининг шiori миқозларга ишончли, самарали, сифатли, тезкор хизматлар кўрсатиш тизимини йўлга қўйишдир. Бу эса миқозларнинг банкка нисбатан ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Тикувчилик фаолияти билан шуғулланиш мақсадида "Асака" банкнинг Жиззах вилоят филиалидан имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредит олдим, — дейди "Жаннати Бибиҳоним" хусусий корхонаси раҳбари Наргиза Тўйчиева. — Тез орада корхонамизда ишлаб-чиқариш қўлами бир неча бараварга кенгайди, шунингдек, ўнга яқин

янги иш ўринлари яратилиб, бунга асосан касб-хунар коллежлари битирувчилари қабул қилинди. Хозирда иш фаолиятимизни янада кенгайтириш, ишлаб чиқаришни замонавий технологик ускуналар билан жиҳозлашни режалаштириб турибмиз. Келгусида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспортга йўналтирмоқчимиз. Бундан ҳам биз "Асака" банк мададига таянамиз ва тadbиркорларга ушбу молия муассасаси томонидан кўрсатилиб келинаётган хизматлардан миннатдормиз.

Полиэтилен қувур ва плёнка ишлаб чиқариш ускунасини олиш учун "Асака" банкнинг Жиззах вилоят филиалидан имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредит олдим, — дейди "AGAMIS" савдо-ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Алимардон Пўлатов. — Банк томонидан кўрсатишган молиявий қўмак натижасида ишлаб чиқариш

2015 йилда Жиззах тиббиёт касб-хунар коллежини тамомладим ва юртимизда тadbиркорларга, айниқса, ёш тadbиркорларга яратилган кенг имкониятлардан илҳомланиб, тadbиркорлик билан шуғулланишни, савдо фаолиятини йўлга қўйишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим, — дейди ёш тadbиркор Муштарий Хайитбоева. — Албатта, бунинг учун пул маблағи зарур эди. Молиявий қўмак сўраб "Асака" банкнинг Жиззах вилоят филиалига мурожаат этдим. Банк томонидан ажратилган имтиёзли кредит ҳисобига савдо дўконини мукамал таъмирлаб, замонавий талаблар асосида қайта жиҳозладим, расталарни зарурий истеъмол товарлари билан тўлдирдим. Миқозларимиз кундан-кунга қўлайиб бормоқда. "Касб-хунар коллежини бирга тамомлаган икки нафар дугонам ҳам иш билан таъминланди. Тadbиркорлик фаолиятимни йўлга қўйишда яқиндан ёрдам берган "Асака" банк жамоасига ўз миннатдорлигини билдириб, уларнинг эзгу ишларида муваффақиятлар тилайман.

Реклама бўлими

Банк ахборот хизмати

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига

Улуғ таянч, адолат мезони



Фаровон келажакимиз асоси

Андижон туманида Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон вилоят кенгаши ташаббуси билан "Фаровон келажакимиз асоси" мавзусида ташкил этилган акция доирасида "Ёшлар ва қонун" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, Конституциямизнинг мазмун-моҳиятини тарғиб этиш ва мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар хусусида сўз юритилди.

ларимизнинг тенгдошлари орасида "Ўз ҳуқуқини тани биласизми?" шiori остида ўтказилган анкета сўровномаларида ёшларнинг фаоллиги ўсиши билан бирга қонунчилигимизга бўлган кизиқишлари ҳам яққол кузатишмоқда. — деди вилоят партия кенгашининг "Ёш адолатчилар" қаноти етакчиси Зиёда Косимова.

Келажакимиз эгаларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбир якунида ҳуқуқшунослар томонидан иштирокчиларни кизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Акбаржон НАЗАРОВ,
"Адолат" мухбири

Йиллар ўтган сайин Асосий қонунимизнинг ҳаётимиз, тараққиётимиз учун ахамияти қанчалик катта эканлигини чуқурроқ англамоқдамиз. Ватан равнақи, мамлакатимиз фуқароларининг муносиб ҳаёт кечириши, тинч-тотувлигини таъминлаш, халқимизнинг буюк мақсадларини рўёбга чиқаришда Бош қомусимиз мустақам ҳуқуқий асос бўлаётганига истиқлол йилларида эришилган улкан ютуқларимиз яққол далилдир.

Коровулбозор туманидаги саноат-транспорт касб-хунара коллежида Ўзбекистон "Адолат" СДП Коровулбозор туман кенгаши томонидан ўтказилган "Конституция — меннинг тақдиримда" мавзусидаги тадбирда шулар ҳақида фикр билдирилди.

Асосий қонунимиз халқимизнинг кўп асрлик маънавий ҳамда умуминсоний кадриятлари, бой тарихий мероси ва халқаро андозалари ўзида мужассам этгани билан ахамиятлидир. — деди коллеж директори ўринбосари Баходир Жамолов. — Ҳаётимиз қомусининг ёрқин мазмуни, ўзига хос жиҳатларини ўқувчилар оғинга чуқур синдириш орқали уларда Ватанга муҳаббат, миллий кадриятларимизга ҳурмат туйғуларини юксалтириш, ёшларнинг фуқаролик бурчи ва масъулиятини, ҳуқуқий маданиятини

оширишни мақсад қилганмиз.

— Мен мустақиллик фарзидиман, бу қутлуғ неъмат бизга жуда катта имкониятларни берди. Конституция биз ёшларнинг келажакимизни янада мустақам бунёд этганимизда улуғ таянч бўлади, — дейди коллеж ўқувчиси Лазиза Рустамова. — Унда битилган ҳар бир сўз бениҳоя қадри ва муҳим, уларни онг-шууримизга мустақам жо қилишимиз шарт. Конституцияда ҳуқуқ ва эркинликларимиз, фуқаролик бурчимиз қонуни йўли билан қафолатланган. Айниқса, унда "Хар ким билми олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан қафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир", "Хар кимга илмий ва техникавий ижод эркини, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи қафо-



ЎЗА олган сурат

латланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади", деб қайд этилгани ҳар биримизнинг орзу-мақсадларимизга қанот, қалбимизга инсон, гуруҳ бағишлайди. Дарҳақиқат, юртимиз ёшлари учун кенг имкониятлар, шартлар яратилган. Шу боис ҳар биримиз ўз ҳуқуқимиздан эркин ва уюмли фойдаланган ҳолда ҳаётда ўз ўрнимизни топиб, эл-юртга наф келтирадиган инсон бўлишимиз даркор. Бош қомусимизнинг XI бобида фуқаролик бурчи-

ларимиз тўғрисида тўлиқ ва батафсил айтиб ўтилган. Биз ўз фуқаролик позициямизга эга бўлиб, мустақил фикрлай олишимиз, ҳуқуқий маданияти юксак ёшлар бўлиб камолга етишимиз зарур. Бугунги тадбирда шундай фикр ва хулосаларни яна бир бор англаб, сиёсий билимларимизни оширдик.

Партияимизнинг "Биргалликда юксак ҳуқуқий маданият сари" лойиҳаси доирасида бўлиб ўтган ушбу тадбирда сўзга чиққанлар Асосий қонунимизнинг мазмун-моҳияти, ижтимоий-сиёсий

ҳаётимиздаги ахамияти хусусида тахлил қилди. Халқчил, инсонпарвар ғояларни ўзида мужассам этган Конституциямизда белгиланган меъёрлар адолат мезони эканини таъкидлашди.

Партия фаоллари билан самимий мулоқотлар, савол-жавобларда эса ўқувчи-ёшларнинг Конституциямизга оид билимлари синовдан ўтказилди.

Моҳиғул АБДУЛЛАЕВА,
Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби

➤ **КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ**

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида қабул қилинган қонунлар ҳаётимизни босқичма-босқич демократлаштириш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини янада кенгрок таъминлашга хизмат қилмоқда.

Демократия тамайиллари амалда

Шу маънода "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун ҳам фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгрок амалга ошириш имкониятини яратиб бериши билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини ҳам кучайтириши билан ахамиятлидир.

Мазкур қонун қабул қилиниши билан фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштироки, хусусан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти, улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар расмий веб-сайтлари асосида маълумотларга эга бўлиш механизмларининг мустақам қонуний асослари, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида, аҳолининг, жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситаларининг тегишли ахборот ресурслари ҳамда маълумотлардан кенг фойдаланишини таъминлаш ҳақида жамоатчиликни хабардор қилишга қаратилган салмоқли қонунчилик базаси яратилди.

Албатта, бугунги тезкор даврий замонавий ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилолмаймиз. Ушбу қонуннинг 13-моддасига биноан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтлари интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ушбу органларга ёки бўйсунув тартибда юқори турувчи органга тегишли бўлган ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган расмий веб-сайт сифатида идентификация қилинадиган, ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ресурслар.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ўз расмий веб-сайтларида жойлаштирилган ахборотнинг санаси қўйилган бўлиши ҳамда у вақти-вақти билан янгиланган бўлиши керак. Ахборотни янгиланган бўлиши даврийлиги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан белгиланади, лекин у ҳафтасига бир мартадан кам бўлмаслиги керак. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтларида жойлаштирилган ахборот ишончли бўлиши керак ва у оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиган ахборот билан тенг кучга эга бўлади.

Мухтасар айтганда, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун ижросини таъминлаш мақсадида бугун барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўзларининг расмий веб-сайтлари орқали фуқароларнинг ахборот олишлари учун зарур шартларни яратмоқда. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг ахборотдан эркин фойдаланишини таъминлабгина қолмай, уларнинг юртимиздаги ислохотлар жараёнида янада фаол иштирок этиши имконини ҳам беради.

Наргиза МИРСОАТОВА,
Учтепа тумани 9-сонли ДНИ катта нотариуси

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«АСАКА» БАНК жамоаси

Сиз азизларни яқинлашиб келаятган мамлакатимиз Конституцияси кунни байрами билан чин юракдан муборакбод этади!
Сизга тинчлик, омонлик ва муваффақиятлар тилаймиз!
Байрам муносабати билан миллий валютада қўйидаги муддатли янги омонат турини тақлиф этамиз:

«КОНСТИТУЦИЯ — 2016»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 2 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргалликда, "Асака" банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги омонатларни қулай шартларда тақлиф этади.

Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.
Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74
Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23
Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўқон филиали	373	542-61-01
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

«Асака» банк сармомянгиизнинг сақланиши ва кўпайишини қафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган. www.asakabank.uz

➤ **ТОЗА ТАБИАТ — СОФ КЕЛАЖАК УЧУН**

Термиз транспорт ва хизмат кўрсатиш касб-хунара коллежида Ўзбекистон "Адолат" СДП Сурхондарё вилоят кенгаши ташаббуси билан "Яшил табиатни асрайлик" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Заминнинг тириклик манбаи

Партияимизнинг "Тоза табиат — соф келажак учун" лойиҳаси доирасида ўтказилган мазкур тадбирда партия фаоллари, вилоят Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мутахассислари, маҳаллалар етакчилари, коллеж ўқитувчилари ва ёшлар иштирок этишди.

— Экологик билимларни тарғиб қилишни кучайтириш, ўқувчилар онг-шуурида экологик маданиятни шакллантириш муҳим вазифаларимиз сирасига қиради, — деди вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Дилрабо Нормуротова. — Ёш авлоднинг табиат ва унинг бойликларига инсбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ўргатиш орқали наботот ва ҳайвонот оламини асл ҳолига тартиб-қондалар, ҳуқуқий меъёрлар хусусида муҳим эҳтимоли бўлган салбий таъсирларнинг ҳам олдини олган бўламиз.

Тадбирда атроф-муҳит мусоффолигига эришишнинг муҳим омиллари, она заминимизда ҳаёт мангу давом этишида табиатнинг тугатилган ҳолини муҳофаза қилиш бўлиб, мутахассислар Ўзбекистон Республикасининг "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунда асос этиган тартиб-қондалар, ҳуқуқий меъёрлар хусусида катнашчиларга атрофлича маълумот беришди.

— Бугунги кунда дунё ахлини ташвишга солиб келаятган асосий муаммолардан бири, бу экологик мувозанатнинг бузилиши билан боғлиқ масалалар, — деди вилоят Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мутахассиси Темирмулик Акибов. — Экологик вазиятнинг мураккабланиши туфайли ер юзининг турли нуқталарида юзага келган табиий офатлар ва уларнинг салбий оқибатлари одамлар ҳаётига, соғлиғига жиддий таъсир кўрсатаётганлиги ҳам аниқ ҳақиқат. Шундай экан, сайёрамизнинг тириклик манбаи бўлган ўсимлик дунёсини асраб-авайлашга ҳар биримиз масъулимиз.

Тадбирда айтилган бу каби фойдали фикрлар ҳамда мавзуга доир савол-жавоблар барча катнашчиларни она табиатни севиш ва унга оқилона муносабатда бўлишга ундади.

Мақсуд Тўраев,
Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот котиби

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Сиёсий Кенгаш аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Муҳаррам Дадаходжаевага отаси

Эсонullo ДАДАХОДЖАЕВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Алишер Махматмуродовга отаси

Ўлмас МАХМАТМУРОДОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.